

Ақл билан мансабга эришиш мумкин.  
Мансаб билан ақлга эришиб  
бўлмайди.

**Одам учта нарсанинг қадрини  
доим кечикиб билади. Ёшлик.  
Соғлиқ. Тинчлик.**

Дўстни хўрлаш – гуноҳ. Умр йўлдошини  
хўрлаш – юз ҳисса гуноҳ. Ота-онани хўрлаш –  
минг ҳисса гуноҳ. Гўдакни хўрлаш – чексиз  
гуноҳ...

Ҳатто булбул ҳам бола очганидан кейин сайрашни бас  
қилиб, полапонларига емиш ташийди.

**Иш кўплиги-ю, вақт йўқлигидан нолиманг. Вақт  
кўплиги-ю, иш ,йўқлигидан қўрқинг. Одамни  
абгор қиладиган нарса – бекорчилик.**

## 2-МАЪРУЗА: ҚУРИЛИШ ВА МЕЛИОРАЦИЯ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШ АСОСЛАРИ

### РЕЖА:

---

1. Мелиорация ва қурилиш машиналарини ишлатиш.
2. Машинанинг ишга яроқлилиги ва чидамлилигини ошишига олмиллари.
3. Қурилиш ва мелиорация машиналарини қабул қилиш ва ишга тушириш.
  - **машиналарни қабул қилиш;**
  - **машинани ишга тушириш.**
4. Машиналарни транспорт қилиш жараёни.
5. Қурилиш ва мелиорация машиналарини ишлатишга тайёрлаш



# **МЕЛИОРАЦИЯ ВА ҚУРИЛИШ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШ**

Қурилиш ва мелиорация машиналарини ишлатиш учун уларнинг тузилиши ва конструкцияларини яхши билиш билан бирга уларга қўйилган техник ва технологик талабларга қаттиқ риоя қилиш зарур.

Шунингдек, уларга ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш уларнинг ишончли ишлашини кафолатлаб, улардан фойдаланиш муддатини узайтиришга олиб келади.

**Мелиорация ва қурилиш машиналарини ишлатиш** – бу уларни ишлаб чиқариш жараёнида катта самарадорликга эришиш ва кам таннархда меҳнат шароитини енгиллаштириш учун мақсадга мувофиқ фойдаланишдир.

Машиналарни ишлатишни тўғри ташкил қилишни таъминлайдиган тадбирлар мажмуасига, уларни **иш объектларини танлаш ва жойлаштириш, узлуксиз ва хавфсиз ишлаш учун шароит яратиш, ишлатиш учун пухта тайёргарлик, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, ёқилги, мойлаш ва бошқа материаллар билан узлуксиз таъминлаш** ишларини киритиш мумкин.

## **Машинанинг ишга яроқлилиги ва чидамлилигини ошишига омиллари**

Машина детал, қисм ва механизмларининг ишга яроқлилиги ҳар хил бўлади. Агар кўпроқ ейиладиган машина деталлари, механизм ва бошқа қисмлари доимо ўз вақтида тикланиб борилиши, машинанинг ~~ишга яроқлилиги ва чидамлилигини~~ ошишига сабаб бўлади.

Машинанинг ишга яроқлилиги, ишончилиги ва чидамлилигини сақлашнинг асосий тадбирлардан бири - ўз вақтида ва тўғри техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашдир.

**Техник хизмат кўрсатиш** деганда машиналар деталлари, узеллари ва механизмларининг охириги рухсат этилган ейилиш қийматига етгунча ишлашига нормал шароит яратишга имкон берадиган тадбирлар мажмуаси тушунилади. Техник хизмат кўрсатишнинг асосий вазифаси алоҳида бирикмалар, деталлар, умуман машинанинг хизмат муддатини ўзайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишдир. Техник хизмат кўрсатиш ёрдамида детал ва узелларнинг ишга яроқлилигини таъминлаш мумкин бўлмаса, уларни қайта тиклаш ва таъмирланиши мумкин.

## Қурилиш ва мелиорация машиналарини қабул қилиш ва ишга тушириш


**Машиналарни қабул қилиш.** Ташкилотга олиб келинган машина ва жиҳозлар қабул қилиш ва топшириш ҳужжатларини расмийлаштириш орқали амалга оширилади. Темир ва сув йўллари орқали олиб келинган машиналар, унинг эҳтиёт қисмлари ва асбоб-ускуналарининг бутлиги, завод томонидан жўнатилган барча техник ҳужжатлар текширилгандан сўнг қабул қилинади. Агар машина бут бўлмаса, ҳужжатларда кўрсатилган деталларнинг тўлиқ емаслиги аниқланса, темир йўл вакилларининг иштирокида далолатнома тузилади. Машинанинг ишга яроқлилиги махсус далолатномада унинг нуқсонлари кўрсатилган ҳолда ишга туширишдан олдин текширилади. Нуқсонлар аниқланган тақдирда, агар уларни бартараф қилиш катта сарф харажатларни талаб қилса ёки машинанинг ишга яроқлилигига салбий таъсир қилса, бу ҳақда эътироз далолатномаси тузилиб, заводга тақдим қилинади.

**Машинани ишга тушириш.** Тегишли ташкилот қарамоғида бўлган машина ташкилот раҳбарининг буйруғи билан ишга туширишга рухсат берилади. Машина, уни бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсга қабул қилиш далолатномасини тузиш орқали топширилади. Бу ерда шуни алоҳида такидлаш лозимки, қурилиш ва мелиорация машиналарининг конструкцияси нисбатан мураккаблигини ҳисобга олиб, уни бошқаришни махсус билим, малака ва тажрибага эга бўлган ходимга топшириш зарур.

Машинани ишлатишдан олдин уларни *ишлатиб хўрдалаш* лозим. Бунда машина двигатели, юриш жиҳози ва гидротизими салт ва юклама остида ишлатилиб хўрдаланади.

**Машинани ишлатиб хўрдалаш уч босқичда;**

- 1-номинал тортиш кучининг 10...15% да 10 соат,
- 2-номинал тортиш кучининг 35...40% да 30 соат,
- 3-номинал тортиш кучининг 75 ...80% да 20 соат.



## МАШИНАГА ТЕХНИК ҚАРОВ ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ШАРТЛИ БЕЛГИЛАРИ

1-қараб чиқиш; 2-тозалаш; 3,4-ювиш; 5-текшириш; 6-алмаштириш; 7-олиб ташлаш; 8-ўрнатиш; 9-резьбали бирикмаларни таранглаш; 10-суюқлик сатҳини текшириш; 11-чўкиндиларни тўкиш; 12-суюқликни алмаштириш; 13-мойлаш.



## МАШИНАЛАРНИ ТРАНСПОРТ ҚИЛИШ

Қурилиш ва мелиорация машиналари темир ва сув йўллари орқали олиб келиниб, ишлаш жойига, таъмирлаш корхоналарига ва сақлаш жойига эса ўзи юриб, шатакка олувчи автомобилларда ва оғир юк ташувчи тиркама араваларда транспорт қилинади.

Машинани транспорт қилиш усулини танлаш навбатдаги иш жойининг узоқлигига ва ишинг тезкорлигига, транспорт воситалари ва қатнов йўлларининг мавжудлигига, машина массаси, чек ўлчамлари ва техник ҳолатига, метеорологик шароитлар ва транспорт сарфҳаражатларига боғлиқ.


Машиналарни берилган ҳолатда, зарур бўлганида транспорт ва юк кўтариш воситаларидан фойдаланиб силжитиш уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш (транспортировка қилиш) дейилади. Машиналарни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш уни бошқа транспорт воситасига юклашдан бошланиб, белгиланган жойга олиб борилгач, тушириб олиш билан тугайди. Машинадар ишлатиладиган янги жойга, тузатиладиган, техник хизмат кўрсатиладиган ва сақланадиган жойларга олиб борилади.









**Тиркама  
трайлерлар:** а-  
уч кўприкли; б-  
тўрт кўприкли;  
д-умумий  
кўриниши; 1-  
бурилувчи  
кўприк; 2-рама;  
3-чиқиш  
пойдевори; 4-  
тортувчи рама.




а



б



д



**Эрталаб турганинда, кундузи  
юрганинда, кечаси ухлаганинда ҳеч  
қаеринг оғримаси шунинг ўзи бахт!**

**Ҳақиқатдан қўрққан одам ёлғоннинг панасига  
беркинади.**

**Дунёда мукаммал нарса йўқ. Ҳатто  
Муҳаббат деб аталмиш олий туйғуда  
ҳам адолатсизлик бор. Ким қаттиқроқ  
севса, ўша кўпроқ изтироб чекади.**

**Инсоннинг баҳоси бу дунёда ўзи олгани билан эмас,  
ўзидан қолгани билан белгиланади.**

**Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша беназир  
тарқатиладиган хазина бор. Бу – Она меҳри!**

**Машиналарнинг ўзини юргизиб транспорт қилиш** қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: ташиш автомобилларда исталган масофага, занжирли ва қаттиқ ғилдиракли машиналарни 15...20 км гача пневмо-ғилдиракли машиналарда 10 т дан 70 т гача машиналарни 70...100 км гача 10 т дан юқори машиналарни 30...50 км гача транспорт қилиш мумкин.


**Машиналарни темир йўлларда транспорт қилиш,** кўчириш масофаси 150 км дан ортиқ бўлганда амалга оширилади. Бунда машинанинг чек ўлчамлари темир йўл вағони ўлчамларига мос бўлишини таъминлаш билан бирга машинани вағонга қўзғалмас қилиб ўрнатиш талаб қилинади. Машиналарнинг бир нечта тури темир йўл вағонларида ташилганда улар орасидаги масофа 0,5 м ораликда бўлишини таъминлаш билан бирга уларни вағонга қўзғалмас қилиб боғлаш қатъий талаб қилинади.

# МАШИНАЛАРНИ ИШГА ТУШИРИШ

Студенци энергетического обеспечения процессов сельскохозяйственного производства, технической эксплуатации автомобилей и технического обеспечения мероприятий и водоохозяйственных работ







# ҚУРИЛИШ ВА МЕЛИОРАЦИЯ МАШИНАЛАРИНИ ИШЛАТИШГА ТАЙЁРЛАШ

Машина иш жойига олиб келингандан сўнг яна бир бор техник қаровдан ўтказилиб, унга ёқилғи, совутиш суюқлиги ва керакли мойлар қуйилади.

Қурилиш ва мелиорация машиналарида асосан ички ёнув двигателлари (ИЁД) ишлатилади. Уларнинг енгил ва оғир ёқилғида ишлайдиган турлари мавжуд бўлиб, оғир ёқилғида ишлайдиганларига дизелли двигател деб аталади. ИЁД ўт олдириш учун уларга қўшимча икки тактли ўт олдирувчи двигател ёки стартерлар ўрнатилган бўлади. Ишлатишнинг ноқулайлиги ва бошқа техник сабабларга кўра қўшимча ўт олдирувчи двигателлар машинага ўрнатилмаяпти. Унинг ўрнига замонавий кучли стартерлар ишлатилмоқда. Бунда машина двигателини ўт олдириш, уни бошқариш жойидан (кабинада) амалга оширилади.

Двигател ўт олдирилгандан сўнг, машинанинг механизмлари ишга туширилади ва машина ўз вазифасига кўра ишлатилади.

Двигателни ўт олдириш ва машинани ишга туширишда айрим нуқсон ва носозликлар содир бўлиши мумкин.